*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 209 (9705). • 1989 йил 3 ноябрь • жума • Баҳоси 3 тийин.



✦ АНГРЕНДАГИ 9-шахта кончилари ўртасида шахсий меҳнат беллашуви яхши самара бермоқда. Унда қатнашаётган кўплаб шахтёрлар топшириқларни ортиғи билан бажаришга эришмоқдалар. Ушбу суратдаги Фарҳод Мақсудов (чапда), Николай Юртаев ва Азим Рўзиқуловлар ҳар сменада топшириқдагига қўшимча 1-2 тоннадан кўмир қазиб чиқариб, меҳнатда касбдошларига намуна бўлишяпти.

Э. КОМИЧ сурати.

ЎРТОҚЛАР! ҚАЙТА ҚУРИШ — ЛЕНИН БОШЛАГАН БУЮК ИШНИНГ, ОКТЯБРЬ ИШИНИНГ ДАВОМИДИР! ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА ТОМОНЛАРИНИ ЯНГИЛАШ УЧУН РЕВОЛЮЦИОН ҒАЙРАТ ВА ЭЪТИҚОД БИЛАН КУРАШИНГИЗ!

КОММУНИСТЛАР! ЯНГИЛАНГАН ЖАМИЯТДА ЯНГИЛАНГАН ПАРТИЯ ИШ ОЛИБ БОРИШИ КЕРАК! КПСС XXVIII СЪЕЗДИГА ТАЙЁРГАРЛИК — ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ РАҲНАМОСИ БЎЛМИШ ПАРТИЯ ИШИНИ ҚАЙТА ҚУРИШДИР!

(КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь Социалистик революцияси 72 йиллигига чақириқларидан).

# • БАЙРАМОЛДИ ХУШХАБАРЛАРИ •

## ШАРТНОМАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

АНГРЕН керамика комбинати республика бинокорлик материаллари саноати корхоналари ичида биринчи бўлиб хўжалик ҳисобида, давлат қабули шароитларида ишлашга ўтган эди. Ўшанга ҳам сал кам икки йил бўлди. Натижаси қандай бўлаяпти? Очиғини айтганда дастлаб жуда қийин бўлди. Айтарлик силжиш сезилмади.

Коллектив бу йилдан қаддини ростлаб ишламоқда. Давлат планлари ва шартнома мажбуриятларининг деярли бир маромда бажарилишига эришмоқда. Буни айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлар исботлаб турибди. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида буюртмачиларга сотилган маҳсулот ҳажми ўн беш ярим миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Олдинги йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 7,8 фоиз бўлди. Биргина полбоп плиталардан 110,1 минг квадрат метр ҳажмда тайёрланди. Бу планда назарда тутилганидан деярли икки минг квадрат метр кўпдир.

Деворбоп плиталар ишлаб чиқаришда янада юксакроқ натижага эришилди. Қўшимча истеъмолчиларга қирқ минг квадрат метрдан ортиқроқ юборилди. Техникавий ва медицина ганчлари тайёрлашда ҳам маррадан ўзилди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши туфайли 734 минг сўмлик соф фойда олинди. Бунинг анчагина қисми ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш фондига ажратилди.

## ТАННАРХИ АРЗОНЛАШДИ

«ОҲАНГАРОН» совхозининг 1-бўлимидаги ўртоқ Мутал Юсупов бошлиқ бригада деҳқонлари ижара пудрати асосида меҳнат қилиб, таннархи анча арзон бўлган озуқа маҳсулотлари етиштирдилар. Жумладан, 1,5 гектар майдонга экилган ош лавлагидан 55 тонна ҳосил олинди. Ҳар бир тонна озуқани етиштириш учун мўлжалдаги 12 сўм 46 тийин ўрнига бор-йўғи 3 сўм 97 тийиндан маблағ сарфланди. Бунга энг аввало экиш учун сара уруғ танланганлиги, ер яхши тайёрланганлиги ва парвариш ишлари оби-тобида ўтказилганлиги туфайли эришилди. Хўжалик ҳам, деҳқонлар ҳам катта манфаат кўрдилар.

Ижарачилар бошқа экинлардан ҳам мўл ва арзон ҳосил етиштирдилар. Анча миқдорда маблағни тежаб қолдилар.

Қ. МУМИНОВ.

## ЕР БЕРИЛДИ

«ХЎЖАКЕНТ» совхозида деҳқонлар учун ҳозиргача 25 гектар майдон томорқа учун ажратилди. Ҳар бир хонадоннинг катта-кичиклиги, эҳтиёжи ҳисобга олинди. Шу тариқа 250 хонадонга ер бўлиб берилди. Уддабурро деҳқонлар фурсатни бой бермай қурилиш ишларини бошлаб юборган эдилар: олди хонадонлар байрам арафасида ҳовли тўйларини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Томорқа ери — бу деҳқон учун катта таянч. У озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга ҳисса қўшиши керак. Афсуски, айримлар ерни олишга олишди-ю, лекин экин экиб фойдаланиш учун шошилишмади. Натижада қулай дамлар бой берилди. Ернинг умри бекорга ўтди.

Яна бир мулоҳаза. Партия ва ҳукуматимиз қарорида хонадонларга 0,25 гектаргача ер тақсимлаб бериш кўзда тутилган. Лекин бу кўрсатмага кўп ҳолда амал қилинмаяпти. Имконият бор бўла туриб 0,06—0,08 ва кўпи билан 0,15 гектар ер ажратиб бериляпти. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак.

А. ИБРОҲИМОВ.



✦ БЎКА районидаги Жамбул номли колхоз деҳқонлари теримни давом эттирмоқдалар. Бу хўжаликда айниқса, терим машиналаридан самарали фойдаланилмоқда. Суратларда: район партия комитети вакили Т. Тошев колхознинг илғор механизатори А. Қуролбоевга кўчма вимпелни топширмоқда. Бу мусобақа ғолибининг шу кунгача терган пахтаси 170 тоннадан ошиб кетди; хўжалик далаларида машина терими пайти.

Суратчи З. ШОДИЕВ.

## Уй-жой қуришмоқда

Чиноз ноҳиясидаги «Партия XXIV съезди» совхозида уй-жой Программасини амалга ошириш юзасидан қилинаётган ишлар ҳажми тобора кенгайиб бормоқда. Хўжаликнинг биргина марказий посёлкасида 8900 квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар барпо этилаяпти. Бир ва икки қаватли уйлар қад кўтармоқда. Бу хайрли ишларни 31-механизациялашган кўчма колоннанинг Мансур Янгибоев раҳбарлигидаги комсомол-ёшлар бригадаси амалга оширмоқдалар.

Бригада аъзоларининг йилнинг ўтган ойларида амалга оширган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 400 минг сўмликдан ошиб кетди. Бу топшириқда белгиланганидан анча кўпдир. Бриганинг ҳар бир аъзоси бир нечтадан бинокорлик касбини эгаллаган. Улар бетон қориш, ғишт териш, сувоқ қилиш ва бўяш ишларини бемалол амалга ошираверадилар. Мамасолиҳ Мирзаев, Умрзоқ Жуматов, Юнус Маҳмудов, Юсуф Асқаров, Анорхон Мухиров каби тажрибали бунёдкорлар нормани 130 атрофида бажариб, меҳнатда касбдошларига намуна бўлишяпти.

А. ЖАББОРОВ.

## Ҳиссалари катта

Бугун боғ-роғларда, токзорларда сокинлик. Келгуси йил ҳосилига тайёргарлик кўрилмоқда. Кузги-қишки ишлар бошланган.

— Табиат қийинчиликларига қарамай мева-чевадан анча дуруст ҳосил олдик, — дейди Оржоникидзе районидаги Қибрай совхози бригада бошлиғи Ёқуб ака Мираҳмедов. — 45 гектар олмазор, 18 гектар узумзордан 500 тоннадан ортиқ маҳсулот йиғиб олиб, эл дастурхонига тортиқ қилинди. Бунинг учун А. Абдураҳмонов номли Тошкент енгил саноат техникумининг талабаларидан миннатдормиз.

Чиндан ҳам шундай. Совхоз соҳибкорлари Замира Раимқулова, Нодира Азимова, Саида Абдуваҳобова, Ленура Мусаева, Наргиза Ўрозбоева, Гулжамол Тоғаева, Шаҳло Юнусоваларнинг ҳимматларидан, айниқса, миннатдор бўлиб сўзламоқдалар. Улар ҳар куни 350-400 килограммдан ошириб маҳсулот йиғиб бердилар.

Р. БОЙТУЛЛАЕВ.

## МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

✦ ГАСТРОЛЛАР. Пермь области қўғирчоқ театри тошкентлик томошабинларга ўзининг эртаклардан иборат репертуарини тақдим этди. Республика қўғирчоқ театри, Авиасозлар маданият ва техника саройи, Округ офицерлар уйи саҳналарида ушбу театрнинг гастроллари бўлмоқда.

Уралликлар «Кичик сеҳргар», «Машенька ва айиқ», «Ҳаммаси тескари бўлиб кетди» сингари эртакларни кичик томошабинларимизга намойиш этишади. Пермдан келган артистлар катталарни ҳам унутишмаган.

Пермь театри коллективининг гастроллари Ўзбекистон республика қўғирчоқ театри коллективи билан ижодий алмашувлар ҳақидаги шартноманинг натижаси бўлди. Тошкентлик артистлар ҳозир Пермда гастролдадирлар.

✦ КИНОҲАВАСКОРЛАР КОНКУРСИ. Пойтахтимизда III бутуниттифоқ бадиий ижодиёт кўриги доирасида «Тошкент—89» ҳаваскорлик фильмлари конкурси бўлди. «Алгоритм» заводининг «Темпоритм» студияси конкурс ғолиби бўлди. Студиянинг «Мосфильм кўчасидаги ҳовуз», «Тоғлардаги шарпа», «Босинқираш» деган фильмлари ўзининг долзарблиги ва кўтариб чиқилган иқтисодий, маънавий ва ижтимоий муаммоларнинг ўткирлиги билан жюри ҳамда томошабинлар эътиборини қозонди.

Конкурсда жами 23 та ҳаваскорлик фильми қатнашди. «Темпоритм» студиясидан ташқари Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» студияси «Барча ҳокимият советларгами!» фильми учун ва Бекобод металлурглар маданият уйи ҳаваскорлик киностудияси «Ўсма» фильми учун лауреат унвонига сазовор бўлдилар ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

Конкурсни касаба союзлари Тошкент область Совети ва шаҳар киноҳаваскорлар клуби ташкил этди.

(ЎзТАГ).

## КПСС Марказий Комитетида Кенгаш

1 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетида мамлакат етакчи иқтисодчиларининг кенгаши давом эттирилди. Кенгашда СССР халқ депутатлари, бир қанча марказий иқтисодий идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Мамлакатдаги иқтисодий вазият, халқ хўжалигидаги қийинчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида кенг кўламда фикрлашув бўлди.

М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Учрашувда В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, Г. И. Усмонов иштирок этдилар.

Кенгаш тўғрисидаги ҳисобот «Правда» газетасида эълон қилинади. (ТАСС).

## СЕССИЯ КУНДАЛИГИ



1990 йилда Улуғ Ватан уруши инвалидларининг кўпгина бевалари анча мадад оладилар: Совет Тинчлик фонди уларнинг эҳтиёжлари учун 12 миллион сўм ажратди. 1990 йил 1 январдан бошлаб, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар министрлиги системаси оператив ходимларининг, шунингдек СССРни ҳимоя қилиш чоғида ёки бошқа хизмат вазифаларини бажариш чоғида ярадор бўлиш, жароҳатланиш, майиб бўлиш ёхуд касалликка чалиниш оқибатида вафот этган кишиларнинг оила аъзолари боқувчисидан маҳрум бўлганлиги муносабати билан уларнинг пенсияларини ошириш учун яна 16 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда.

Раислик қилувчи А. И. Лукьянов 1 ноябрь куни иккала палатанинг эрталабки қўшма мажлисида депутатларга шуни маълум қилди.

Сессия Қонун лойиҳаларининг иккита катта мажмуасини кўриб чиқди. Биринчиси СССР халқ депутатларининг ҳуқуқлари ва вазифаларига, иккинчиси суд тузилишига тааллуқлидир.

СССР Олий Совети Президиумининг топширувига биноан Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов СССР халқ депутатлари ва СССР Олий Совети съездининг регламенти, халқ депутатларининг фаолиятини белгилаб берувчи бошқа қонунлар лойиҳалари тўғрисида доклад қилди.

СССР Олий судининг раиси Е. А. Смоленцев суд тузилиши тўғрисидаги қонун асослари ҳамда бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситувчи ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари хусусида судда шикоят қилиш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳаларини депутатларга тақдим этди.

Муҳокама қилинган барча қонун лойиҳалари биринчи муҳокамада маъқулланди ҳамда тўлдириш учун комитетлар ва комиссияларга қайта юборилди.

(ТАСС).

*ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА*

# ПАХТА НАРХИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Республика қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланган амалдаги давлат харид нархларининг адолатли эмаслиги ҳақида кўп гапирилди. Бу нархлар қандай бўлиши керак?

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгашда давлат янги харид нархлари лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида шу ҳақда принципиал гап бўлди. Лойиҳани муҳокама қилишда республика министрликлари ва идораларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг раҳбарлари, олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг ветеранлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, республика Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси М. М. Мирқосимов очди.

Амалдаги давлат харид нархлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга қилинадиган харажатларни тўла даражада акс эттирмаслигини кенгаш қатнашчилари ташвишланиб таъкидлаб ўтдилар.

Пахтакорлар айниқса оғир аҳволда қолишди. Қишлоқ хўжалик техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар нархларининг қимматлашаётганлиги муносабати билан пахтакорларнинг аҳволи тағин ҳам ёмонлашди. Навбатда — ер, сув, электр энергия ва бошқалар учун ҳақ тўлашни жорий этиш масаласи турибди. Етиштирилаётган маҳсулотнинг таннархида ҳозир ана шу харажатлар ҳисобга олинмаса, хўжаликларнинг молиявий аҳволи тағин ҳам мушкуллашади. Молиявий қийинчилик хўжаликларга қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантиришга имкон бермайди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, яроқсиз бўлиб қолган ерларни мелиорация жиҳатдан яхшилаш тадбирларини амалга оширишни жуда қийинлаштиради.

Ҳозир ана шу мақсадларга марказлаштирилган тартибда капитал маблағ ажратилмоқда. Келгуси йилда бундай маблағларни 8800 миллион сўм миқдорида ажратиш кўзда тутилган. Бунинг устига ана шу маблағнинг учдан икки қисми қишлоқ хўжалигига сарфланади.

Аммо республиканинг хўжалик ҳисобига ўтиши муносабати билан аҳвол мураккаблашади, республиканинг хўжалик ҳисобига ўн учинчи беш йилликнинг бошида ўтиши режалаштирилмоқда. Хўжалик ҳисоби ўз пули ҳисобига яшаш демакдир. Бунинг маъноси шуки, ана шу мақсадлар учун капитал маблағлар ажратилмайди. Республика колхоз ва совхозларининг аксарияти оғир молиявий аҳволга тушиб қолганини ҳам ҳисобга олиш керак. Бунинг устига улар ссудалар юзасидан давлат банкидан салкам 4 миллиард сўм қарздор бўлиб қолдилар. Ана шу қарзларни тўлаш муддати 1991 йилдаёқ бошланади. Шундай экан, қандай регионал хўжалик ҳисоби ҳақида гап бўлиши мумкин?

Бундай аҳволдан чиқишнинг битта йўли бор. У ҳам бўлса, фақат харажатларни қоплаб қолмай, шу билан бирга хўжалик юритишнинг янги усулига босқичма-босқич ўтиш имконини берадиган харид нархларини республика давлат нарх комитетини, олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда пухта ўйлаб, иқтисодий жиҳатдан асослаб ҳисоблаб чиқиш ва жорий этишдир.

Хўжалик ҳисобига ўтиш — партия ва давлатнинг принципиал йўли. Шундай экан, республика хўжаликлар тўлов қобилиятига эга бўлиши учун ҳамма ишни қилиши керак. Фақат шундагина хўжаликлар қурилиш қила оладилар ва ривожланадилар. Бунинг учун нарх белгилаш системасини такомиллаштириш лозим бўлди.

Мутахассисларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига қараганда бир тонна хом ашёнинг ўртача нархи ҳозирги қийматидан 2,3—2,5 баравар юқори бўлиши лозим. Бу эса пахтакорлар харажатларини қоплабгина қолмай, маълум фойда ҳам беради. Нарх бундай белгиланган тақдирда қишлоқ аҳлининг моддий аҳволини яхшилаш, уларнинг ижтимоий талабларини бажариш имконияти туғилади.

Кенгашда ўз маҳсулотларини жуда арзон давлат харид нархларида сотишга мажбур бўлаётган сабзавоткор мутахассисларнинг жиддий ташвишлари ҳам эшитилди. Уларнинг айтишларича, бу аҳвол сабзавотчилик, айниқса картошка етиштириш каби муҳим тармоқларни ривожлантиришга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Ахир республика картошка ва бошқа мева-сабзавот маҳсулотларини бошқа регионлардан ва ҳатто чет элдан келтиришга мажбур бўлмоқда. Ҳозирги пайтда картошкани четдан ташиб келтириш учун сарфланаётган маблағнинг бир қисми харид нархларини оширишга йўналтирилса, республика аҳолисининг картошка ва сабзавот билан таъминланиши анча яхшиланади.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотлари харид нархларининг Ўрта Осиёдаги бошқа республикалардагига қараганда нотўғри нисбати ҳақида ташвишланиб гапирдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

## МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида мукофотланганларнинг катта группасига орден ва медаллар топширилди.

Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар орасида Арманистондаги зилзила оқибатларини тугатиш чоғида мардлик ва фидокорлик кўрсатган республикамиз вакиллари, Афғонистон республикаси билан маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган ўзбекистонлик кинематографиячилар, асбоб-ускуналар ва механизмларнинг янги турларини яратган ва ўзлаштирган Тошкентдаги «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари бор.

Иқтисодиёт, илм-фан ва маданият турли тармоқларининг арбобларига фахрий унвонлар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

(ЎзТАГ).

## ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ ТЎҒРИСИДА

СССР Ташқи ишлар министрлигида маълум қилишларича, Мальта маъмурлари билан келишувга биноан М. С. Горбачев ва Ж. Бушнинг норасмий учрашуви 2-3 декабрь кунлари Мальта яқинидаги денгизда Совет ва Америка ҳарбий кемаларида ўтказилади.

(ТАСС).

